



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитининг яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 285-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонида мувофиқ, шунингдек, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун қўлай шароит яратиш мақсадида Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитининг яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 285-сонли қарори ижро учун рақбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори билан:

а) Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) қуйидагилар:

б.1) оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар (кейинги ўринларда уй-жойга муҳтож хотин-қизлар деб аталади) учун арзон уй-жойлар қуриш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда кишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги ПК-2639-сонли ҳамда 2017 йил 23 октябрдаги

“2017-2020 йилларда шахарларда арзон кўп қаватли уйлارни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3350-сонли қарорлари (кейинги ўринларда Дастурлар деб аталади) доирасида амалга оширилиши;

б.2) уй-жойга муҳтож хотин-қизларга арзон уй-жойлар имтиёзли ипотека кредити асосида белгиланган тартибда туман (шахар)лар тоифасидан келиб чиқиб, хар йили қуйидаги ҳажмда ажратилиши, шу жумладан:

I тоифага қирадиган туманларда - биттадан икки, уч қаватли уйлари хонадонлардан (2-3 хонали) ва бештагача ховлидаги иморатлари билан 0,02 гектарли ер уястқаларида 2-3 хонали бир қаватли бир қаватли уй-жойлардан;

II тоифага қирадиган туманларда – иккитадан икки, уч қаватли уйларидаги хонадонлардан (2-3 хонали) ва саккизтагача ховлидаги иморатлари билан 0,02 гектарли ер уястқаларида 2-3 хонали бир қаватли уй-жойлардан;

I тоифага қирадиган шахарларда ҳамда Тошкент шаҳрининг туманларида – олтигача кўп қаватли уйларидаги хонадонлардан (2-3 хонали);

II тоифага қирадиган шахарларда – ўнтагача кўп қаватли уйларидаги хонадонлардан (2-3 хонали);

б.3) ногиронлиги бўлган хотин-қизларга кўп қаватли арзон уйлارнинг биринчи ва иккинчи қаватларидан хонадонлар ажратилиши белгилаб қўйилганлиги;

в) Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва “Маҳалла” хайри жамоат фондининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда хар йили тасдиқланадиган сметалар доирасида уй-жойга муҳтож хотин қизларни уй-жой билан таъминлаш учун зарур маблағларни назарда тутиш тўғрисидаги тақлифлари инобатга олинганлиги;

г) қуйидагилар:

г.1) уй-жойга муҳтож хотин-қизлар учун бериладиган арзон уй-жойлар қиймати тўловининг;

25 фоизи Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, талабгор ишлаётган ташкилот ҳамда конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаълар ҳисобига (Бошлангич бадал сифатида);

75 фоизи ипотека асосида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига молиялаштирилиши;

г.2) уй-жойга муҳтож хотин-қизлар учун ажратилган имтиёзли кредитларни қолаш:

талабгорнинг ўз маблағлари ва конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаълар;

талабгор кам таъминланган, диймий даромадга эга бўлмаган ва

кредитни кошпашта лаёқати етарли бўлмаган тақдирда у ишлагётган ташкилот, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг маблаглари ҳамда конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилиши белгиланганлиги;

д) Ўзбекистон мишлий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Мишлий ахборот агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда уй-жойга муҳтож хотин-қизлар уй-жой билан таъминланиши оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш топширилганлиги марълумот учун қабул қилинсин.

3. Вазирлик ва идоралар, туманлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» Инжиниринг компанияси МЧЖ Қорақалпоғистон филиали, иштирақ этувчи тижорат банклар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори билан тасдиқланган низом асосида ва тегишли туманлар (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридати Талабдорларни танлаш бўйича комиссиянинг тавсиялари асосида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуриш дастуринда уй қурувчиларнинг иштирақ этиши Схемасига мувофиқ ишларнинг амалга оширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари (Нагметов, Ибрагимова) туманлар ва Нукус шаҳри ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» Инжиниринг компанияси МЧЖ Қорақалпоғистон филиали, иштирақ этувчи тижорат банклар билан биргаликда отир ижтимоий вазиятта тушиб қолган хотин-қизлар, нотирионлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун арзон уй-жойлар қуриш ва уй-жойларни ажратиш ишлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги ПҚ-2639-сонли ҳамда 2017 йил 23 октябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватлиги уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3350-сонли қарорлари билан белгиланган Дастурлар доирасида амалга оширилишини;


уй-жойга муҳтож хотин-қизларга арзон уй-жойлар имтиёзли ипотека кредити асосида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори билан белгилаб қўйилган тартибда туман (шаҳар)лар тоифасидан келиб чиқиб, ҳар йили Дастурлар доирасида ўрнатилган ҳажмда ажратилишини таъминласинлар.

5. Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон матбуот ва ахборот агентлиги туманлар ва

Нукус шаҳри ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» Инжиниринг компанияси МЧЖ Қорақалпоғистон филиали, иштирақ этувчи тижорат банклар билан биргаликда уй-жойга муҳтож хотин-қизлар уй-жой билан таъминланиши оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мақур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.И.Нагметов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари - Хотин-қизлар кўмитаси раиси З.А.Ибрагимова зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ.Сариев

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “12” апрелдаги
285-сон қарорини
қилва

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фазанглиларини тўлиқсиз оилда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон ҳамда “2017-2020 йилларда шахарларда арзон кўп қаватли уйлارни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги кўшимча чорра-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ-3350-сон қарорлари (кейинги ўринларда Дастурлар деб аталади) асосида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фазанглиларини тўлиқсиз оилда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жой бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

арзон уй-жойлар – Дастурлар доирасида кўшимча муҳандислик ва ижтимоий инфратузилма билан комплекс ҳолда қурилган кўп қаватли кўп хонадонли (2 ва 3 хонадли) ва майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли (2 ва 3 хонадли) уйлар;

ариза берувчи – уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида Комиссияга ариза берган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар (агарда ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ўзлари мурожаат этиш имконияти бўлмаган тақдирда, туман (шаҳар) секторлари раҳбарлари уларнинг номидан ариза бериши мумкин);

Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этишининг охири санаси – кейинги йилда Дастурда иштирок этиш истигани билдирган барча ариза берувчиларнинг рўйхатини шакллантириш учун ҳар йиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланган Дастурда иштирок этиш учун ариза тақдим этилишининг охири санаси;

ёзма тавсия – уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида Дастурда иштирок этиш учун ариза берувчига Комиссия томонидан бериладиган ёзма тавсия;

ижтимоий мезонлар – Комиссия томонидан талабдорларни танилаш ва Дастурда иштирок этишда уларнинг ижтимоий ўсқуворлигини белгилаш учун фойдаланиладиган ариза берувчиларнинг ижтимоий ва уй-жой шароитларининг асосий кўрсаткичлари;

ижтимоий компанияси – Дастурлар доирасида арзон уй-жой қуриш учун уй қурувчи билан тузилган шартнома бўйича буюртмачи функциясини бажарувчи “Қишлоқ қурилиш инвест” ва “Ўзшаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компаниялари;

иштирок этувчи тижорат банклари – Дастур доирасида арзон уй-жойлар қурилиш молиялаштиришда иштирок этувчи тижорат банклари;

кам таъминланган оила – ойлик жами даромади ҳар бир оила аъзосига белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдоригача тўғри келадиган оила;

Комиссия – талабдорларни танилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг “Ариза берувчи-уй қурувчининг 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 9 февралдаги 103-сон ҳамда “Кўп қаватли уйлارни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёлп оилаларга, эскирган уй-жойларда яшайдиганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 16 январдаги 14-сон қарорлари билан тузилган худудий комиссиялар;

рўйхат – уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида Дастурда иштирок этиш учун ариза берувчилар ичиндан Комиссия томонидан тасдиқланган уй-жойга муҳтож талабдорлар рўйхати;

талабдор – арзон уй-жой бериш учун Комиссиянинг рўйхатига киритилган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар;

туман (шаҳар) тоифалари – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қароридан назарда тутилган туман (шаҳар)ларнинг I ва II тоифалари;

уй-жойга муҳтож хотин-қизлар – оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фазанглиларини тўлиқсиз оилда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар;

уй-жой қурувчи – Дастурлар доирасида арзон уй-жойлар қуриш учун белгиланган тартибда буюртмачи расмийлаштирган, унга нисбатан иштирок этувчи тижорат банкларнинг Дастурлар доирасида арзон уй-жой қуриш учун ипотека кредити бериш тўғрисида ижобий қарори қабул қилинган шахс.

3. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларга Дастур доирасида қуриладиган арзон уй-жойлар имтёзли ипотека кредити асосида туман (шаҳар)лар тоифасидан келиб чиқиб, ҳар йили қуйидаги тартибда ажратилади:

I тоифага кирадиган туманларда – биттадан икки, уч қаватли уйларидаги хонадонлардан (2-3 хонали) ва бештагача ховлидаги иморатлари билан 0,02 гектарли ер участкаларида 2-3 хонали бир қаватли уй-жойлардан;

II тоифага кирадиган туманларда – иккитадан икки, уч қаватли уйларидаги хонадонлардан (2-3 хонали) ва саккизтагача ховлидаги иморатлари билан 0,02 гектарли ер участкаларида 2-3 хонали бир қаватли уй-жойлардан;

I тоифага кирадиган шахарларда ҳамда Тошкент шаҳрининг туманларида – олтигача кўп қаватли уйларидаги хонадонлардан (2-3 хонали);

II тоифага кирадиган шахарларда – ўнгалача кўп қаватли уйларидаги хонадонлардан (2-3 хонали).

4. Комиссиянинг тавсиялари асосида уй-жой қурувчиларнинг Дастурдаги ишгиرويқи ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-606. Арзон уй-жой бериш учун аризаларни қабул қилиш, талабдорларни танлаб олиш ва уларга ёзма тавсиялар бериш тартиби

5. Арiza берувчи талабдор сифатида ёзма тавсияни олиш учун Комиссия раёсига доимий яшаш жойи бўйича ушбу Низомга 2 ва 3-иловларга мувофиқ шакл бўйича сўровнома-ариза ва хужжатларни (кейинги ўринларда ариза деб аталади) тақдим этилади.

6. Арiza берувчи Комиссияга тақдим этилган хужжатларнинг ишончилигини учун жавоб беради.

7. Арiza туман (шаҳар) комиссияси раёснинг қарори билан тайинланган нақолатли шахс томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, қабул қилинган аризанинг нуқсасига – қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда тилхат билан ариза берувчига топширилади.

8. Аризалар ҳисоби ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ алоҳида рўйхатдан ўтказиш журналида (кейинги ўринларда журнал деб аталади) юритилади. Журнал рақамланган, ил ўтказиб тикланган ва Комиссиянинг нақолатли шахси томонидан муҳрланган бўлиши керак.

Ҳар бир аризага журналда тақорланмайдиган рўйхатдан ўтказиш рақами берилди. Аризалар журналга кетма-кетликда, улар олинмишига қараб киритилиши талаб этилади.

Аризани журналда дастлаб рўйхатдан ўтказмасдан кўриб чиқиш тақиқланади. Комиссия аризаларни уларнинг журналда қайда этилиши навабатчилигига кўра кўриб чиқиши шарт.

9. Арiza ва тақдим қилинган хужжатлар ариза берувчиларнинг уй-жойга муҳтож хотин-қизлар тоифаси ақалигини аниқлаш мақсадида Комиссия томонидан ушбу Низомнинг талабларига мувофиқлиги юзасидан Дастурда ишгирок этиш учун ариза ва хужжатлар тақдим этилишининг охирига санаси тўғрисида кундан бошлаб 15 иш кунни ичида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш якунлари бўйича ижтимоий устуворлик мезонлари асосида танлов натижалари тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Дастурда ишгирок этиш учун ариза ва хужжатлар тақдим этилишининг охирига санаси тўғрисида кейин тақдим қилинган аризалар қабул қилинмайди.

10. Комиссия томонидан аризани кўриб чиқишда уй-жойга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш қуйидаги ижтимоий мезонлар асосида амалга оширилади:

- а) ариза берувчида мулк ҳуқуқи асосида турар жойнинг йўқлиги ва турар-жойда ижара шартларида ёки яшаш учун яроқсиз турар жойда яшashi;
- б) бошқа оила (оилалар) билан бир уйда (бир хонадонда) яшashi;
- в) кўп болалилик (уч ва ундан ортик);
- г) ариза берувчи оиласининг даромади;

д) ижтимоий ҳусусиятга кўра алоҳида хонада яшashi керак бўлган (сил, терн-таносил қасалиқларининг оғир кўриниши, қандли диабетнинг йирингли ялғиланиши, псориаз) бемор аёллар (туман тиббиёт бирлашмасининг ҳулосаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси асосида);

е) ариза берувчининг оила аъзолари орасида биринчи турух ногиронлиги бўлган шахсларнинг мажбуллиги;

ж) ариза берувчи уй-жой майдонининг қонун хужжатларида назарда тутилган (бир шахс учун умумий уй-жой майдони 16 кв. метрдан кам бўлмаган, курс-қоляскадаги ногиронлар учун 23 кв. метрдан кам бўлмаган) уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги;

з) биринчи турух ногиронлиги бўлган ёлғиз аёллар;

и) ёлғиз ўзи ушбу Низомга 5-иловадаги рўйхатда назарда тутилган оғир ногиронликка олиб келувчи қасалиққа чалинган бола парваршиланган аёллар (туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитаси маълумотномаси ва тиббиёт бирлашмаси ҳулосаси асосида);

к) кам таъминланган оилада ёлғиз ўзи икки ва ундан ортик воғта смагадан фарзандларни тарбиялаётган аёллар (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси асосида).

11. Комиссия ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган муддат ичида ариза берувчининг уй-жой шартларини ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрғанади ва ушбу Низомга 6-иловада назарда тутилган ижтимоий мезонлардан келиб чиқиб ариза берувчининг ижтимоий устуворлигини белгилайди. Бунда ариза берувчиларнинг уй-жойга муҳтожлиги даржаеси Комиссия томонидан қўйилган баълардан келиб чиқиб аниқланади ва ёзма тавсия биринчи навабатда энг юқори балл тулган ариза берувчиларга берилди.

Ариза берувчининг уй-жой шартларини ўрғаниш ва ижтимоий устуворлигини белгилаш якунлари бўйича ариза берувчида уй-жой шартларини яқинлашга эҳтиёж амалда мажбуллиги ёки йўқлиги тўғрисида ижтимоий устуворлиқни белгилаш якунлари бўйича олинган баъларни кўрсатган ҳолда текшириш даволатномаси Комиссия томонидан ушбу Низомга 7-иловада белгиланган шаклда тузилади. Текшириш даволатномаси икки нуқсда тузилади, унинг бир нуқсаси имзо қўйдирилган ҳолда ариза берувчига берилди.

12. Аризани кўриб чиқиш ва уй-жой шартларини ўрғаниш натижалари бўйича Комиссия ариза кўриб чиқилгандан сўнг бир иш кунни мобайнида ариза берувчига кейинчалик ижтимоий компаниясининг филиаллари тақдим этиш учун ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича ёзма тавсия беради.

Агар ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Комиссия рад этилишининг аниқ сабабларини ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб хужжатларни тақоран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган мудлатни кўрсатган ҳолда ариза берувчига бир иш кунни мобайнида ёзма шаклда хабарнома юборидади (топширади).

Бунда, ариза берувчи ёзма тавсия бериш рад этилишининг сабабларини бартараф этишга ва хужжатларни тақоран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган мудлат ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисидаги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб беш иш кундан кам бўлмаслиги керак.

13. Ёзма тавсия Комиссия томонидан ариза берувчида икки нусхада берилди.

Бир нусхаси талабот томонидан унинг дастлабки шартномани тузиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун инжиниринг компаниясининг филиалига тақдим этилади. Иккинчи нусха эса талабот томонидан доимий яшаш жойи бўйича иштирок этувчи тижорат банкнинг тегишли филиалига берилдиган ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризата илова қилинади.

14. Комиссия ёзма тавсиянинг тўғрилиги ва ўз вақтида берилиши, шунингдек, уни беришнинг асоссиз равишда рад этилиши учун жавоб беради.

15. Комиссия томонидан ариза берувчида ёзма тавсия бериш куйидаги ҳолларда рад этилади:

а) ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилиши;

б) ҳужжатларнинг Дастурда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар тақдим этилишининг охириги санаси тутагадан кейин тақдим этилиши;

в) тақдим этилган ҳужжатларда ишонсиз ёки нотўғри маълумотларнинг маржудлиги;

г) ариза берувчининг уй-жой шартотларини, шу жумладан, унинг ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ижтимоий мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрانشи яқунлари бўйича тузилган текшириш даволатномасида ариза берувчида уй-жой шартотларини яхшилашга эҳтиёж йўқлиги ҳолатининг асосли кўрсатилиши; д) уй-жойга муҳтож шахсининг никоҳи сўнги уч йилда беқор қилинган тақдирда.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича ёзма тавсия бериш рад этилишга йўл қўйилмайди.

16. Ёзма тавсия бериш рад этилиши тўғрисидаги ёзма хабарномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин ариза берувчи томонидан берилган ариза кўриб чиқилмайди.

17. Ёзма тавсия бериш рад этилган ва аризалари ушбу Низомнинг 14-банди асосида кўриб чиқилмаган ариза берувчилар ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ ёзма тавсия бериш тўғрисидаги такрорий аризани кейинги йилда беришга ҳаққилар.

3-боб. Талаботларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва уларга ипотека кредити бериш тартиби

18. Худудий комиссиялар Дастурда иштирок этиш учун ёзма тавсия берилган талаботлар рўйхатини ҳар бир туман (шаҳар)да ҳар йили амалга оширилётган Дастурлар доирасида ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган арзон уй-жойлар билан таъминлаш тартибига мувофиқ шакллантиради ва Комиссиянинг баённомаси билан таъдиқлайди. Рўйхатда талаботларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, паспортига оид маълумотлар, оқна аъзолари сони ва берилдиган арзон уй-жойларнинг тури (қўшимча муҳамисни ва ижтимоий инфратузилма билан комплекс ҳолда қўрилган кўп қаватли кўп хонадонли (2 ва 3 хонали) ва майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштирилдиган бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар) аниқ кўрсатилган.

19. Комиссиянинг баённомаси ва таъдиқланган рўйхат тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят хотин-қизлар кўмиталарига уч иш кўни ичда тақдим этилади.

20. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари тегишли худудий комиссиялар томонидан таъдиқланган уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг рўйхатларини туман (шаҳар)лар бўйича умумлаштиради ва уларни уч иш кўни ичда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига тақдим этади.

21. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси худудлардан қабул қилинган рўйхатлар асосида кам таъминланган хотин-қизларнинг республика бўйича рўйхатларини умумлаштиради ва Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондларининг Вазойлик кенгашига (кейинги ўринларда Вазойлик кенгаши деб аталади) кўриб чиқиш учун қартиради.

22. Вазойлик кенгаши ўзининг йилгишида талаботлар рўйхатни кўриб чиқади ва йилгиш қарори билан Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондига уларнинг бошланғич бадалларини тўлаш учун тақдим этади.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ойла" қилми-амалий таъжикот маркази, "Қишлоқ қурилиш инвест", "Узшаҳар қурилиш инвест" инжиниринг компаниялари талаботлар ишлайдиган ташкилотлар билан биргаликда республика бўйича рўйхатлар асосида худудларда арзон уй-жойларни қуриш учун талаб этилган маблагларни, шу жумладан, дастлабки бадал тўловларини белгиланган тартибда аниқлайди.

24. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ойла" қилми-амалий таъжикот маркази билан биргаликда арзон уй-жойларни қуриш учун талаб этилган дастлабки бадални Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди хисобига, шунингдек талабот қам таъминланган, доимий даромадга эга бўлмаган ва кредитни қоллашга даъвати етарли бўлмаган тақдирда у ишлаётган ташкилот, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Мақсадга" хайрият жамоат фондларининг маблаглари ҳамда конун ҳужжатларида таъкиланмаган бошқа манбалар хисобига талаботларнинг жамғарма омонат хисоб рақамига ўтказилишини назорат қилади.

25. Инжиниринг компаниясининг филиали Дастурлар доирасида арзон уй-жойлар қуриш бўйича талаботларнинг аризаларини қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда белгиланган тартибда улар билан дастлабки шартномаларни тузади.

Инжиниринг компаниясининг филиали билан дастлабки шартномаларни тузган талаботлар иштирок этувчи тижорат банкнинг тегишли филиалига ипотека кредити бериш тўғрисидаги ариза билан муружаат қиладилар.

26. Ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризата қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) ёзма тавсия;

б) кредит олиншининг мақсади, таъминланганлиги, кредит муддати ва суммаси кўрсатилган ҳолда ипотека кредити олиншга бурорманнома;

в) талабот (биргаликда қарз олувчи) нинг паспорти нусхаси;

г) яшаш жойидан оила тарқиб тўғрисидаги маълумотнома;

д) талабот (биргалликда қарз олувчи) нинг молиявий аҳолининг тасдиқловчи ҳужжатлар;

е) дастлабки бадал жамғарма омонат ҳисоб рақамига жойлаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

ж) иккинчи даражаси компаниясининг филиали билан тузилган дастлабки шартноманинг нусخаси.

27. Иштирок этувчи тижорат банкининг филиаллари амалдаги тартиб асосида талаботларнинг ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқади.

28. Талаботларни танлашда иштирок этувчи тижорат банкининг филиали Комиссия томонидан белгиланган ижтимоий устуворликни ва ёзма тавсияни эътиборга олган ҳолда талаботларнинг кредитга лаёқатини баҳолайди.

29. Талабот (биргалликда қарз олувчи) учун ажратилган имтиёзли кредитлар:

Талаботнинг ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар:

Талабот қам таъминланган, доимий даромадга эга бўлмаган ва кредитга лаёқати етарли бўлмаган тақдирда у ишлаётган ташиқлот, Ўзбекистон Қасаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фондидан маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

30. Ипотека кредити бериш рад этилган талаботлар кейинги йилда Комиссия томонидан ёзма тавсия олгандан сўнг белгиланган тартибда ипотека кредити бериш тўғрисида такроран ариза беришга ҳақлидир.

4-боб. Икунинговчи қондалар

31. Аризани кўриб чиқиш жараёнида келиб чиқадиган низолар белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

32. Ушбу Низом талаблари бўлишида ақбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, қам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уйлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга

1-илова

Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Талаботларни танлаш бўйича комиссиянинг тавсиялари асосида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуриш дастурида уй қурувчиларнинг иштирок этиши СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Ёзма тавсияни олиш учун доимий яшаш жойи бўйича тегишли Комиссияга ариза берувчининг белгиланган ижтимоий мезонларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни илова қилган ҳолда сўровнома-ариза беради.	Белгиланган қабул кунларида
2-босқич	Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Талаботларни танлаш бўйича комиссия	Ариза берувчининг доимий яшаш жойи бўйича Комиссия аризани ушбу Низомнинг талабларига мувофиқлик юзасидан кўриб чиқади. Аризани кўриб чиқиш ва уй-жой шароитларини ўрганиш натижалари бўйича тегишли Комиссия ариза берувчига ёзма тавсияни беради ёки ариза берувчини рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма тавсия бериш рад этилишидан хабардор қилади. Дастурда иштирок этиш учун ёзма тавсия берилган уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг рўйхатини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасига тақдим этади.	15 кун иш ичида 3 иш куни ичида
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Хотин-қизлар қўмиталари	Комиссиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг рўйхатларини туман (шаҳар)лар бўйича умумлаштиради ва уларни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига тақдим этади.	3 иш кун ичида
4-босқич	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила"	Худудларда шакллантирилган уй-жойга ўта муҳтож ёки уй-жойини кенгайтиришга муҳтож бўлган оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг рўйхатлари асосида арзон уй-жойларни қуриш учун талаб этиладиган маблағлар аниқланади.	Бир ой мuddатда

Белгиланган мuddатларда

Белгиланган мuddатларда

Белгиланган мuddатларда

Арзон уй-жойларни куриш учун талаб этиладиган дастлабки бадал талабгорларнинг жамгарма омонат хисоб рақамига жойлаштирилишини таъминлайди.

Инжиниринг компаниясининг филиали Дастурлар доирасида арзон уй-жойлар куриш буйича талабгорларнинг аризаларини қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда белгиланган тартибда улар билан дастлабки шартномаларни тузади.

Инжиниринг компаниясининг филиали билан дастлабки шартномани тузган талабгор ипотека кредити бериш тўғрисидаги ариза (тегишли туман ҳокимлиги хузуридаги Талабгорларни танлаш буйича комиссиянинг ёзма тавсияси илова қилинган ҳолда) билан иштирок этувчи тижорат банкнинг тегишли филиалига муурожаат қилади. Иштирок этувчи тижорат банкнинг филиаллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамаси томонидан белгиланган талаблар ва мuddатларга мувофиқ талабгорларнинг ипотека кредити бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқади.

Аризага илова қилинадиган ҳужжатларнинг
(арзанинг рўйхатга олиш рақами кўрсатилган)
рўйхати

Оғир иқтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган ҳам таъминланган, фарзандларини туликсиз оилада тарбиялётган ва уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уйлар бериш тартиби тўғрисидаги низомига
2-илова

№/р	Ҳужжат тури	Иқтимоий мезонлар учун	Бор	Йўқ
1.	Ариза	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
2.	Паспорт нусخаси	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
3.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами нусхаси (СТИР)	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
4.	Оила аъзолари паспортлари ва никоҳ қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (тўлиқ оила ва никоҳ ҳамда воғта етган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) ва ёки фарзандлар туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (воғта етмаган фарзандлар мавжуд бўлган тақдирда) нусхалари	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
5.	Яшап жойидан оила таркиби тўғрисида маълумотнома	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
6.	Ариза беришчи ва у билан бирга яшётган оила аъзоларининг доимий иш жойларидан берилган охирги 12 ой мобайнидаги даромадлари тўғрисида маълумотнома ёки ариза беришчи ва унинг оила аъзоларининг яшап жойидаги давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган охирги 12 ой мобайнидаги даромадлари тўғрисидаги декларациялар нусхалари	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
7.	Доимий прописска жойидан қаласотр ҳужжати нусхаси (агар турар жойи доимий прописска жойи билан тўғри келса)	Низомининг 12-банди "а" ва "ж" кичик бандларида кўрсатилган мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
8.	Доимий прописска жойидан уй дафтариининг ёки квартиралар бўйича карточкасининг (17-шакл) нусхаси (агар турар жойи доимий прописска жойи билан тўғри келса)	Барча мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
9.	Ижара ёки турар жойдан текинга фойдаланиш тўғрисида шартнома ёки туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат қадастри бўлими маълумотнома нусхаси (ариза беришчининг мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлмаган ҳолатда)	Низомининг 12-банди "а" кичик бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
10.	Ногиронлик гуруҳи кўрсатилган ҳолда пенсия гувоҳномаси, ушбу ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика тиббий-иқтимоий экспертиза инспекциясидаги туманлардо (туман) тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) маълумотнома нусхаси (оила аъзолари орасида биринчи гуруҳ ногирони мавжуд бўлган ҳолатда)	Низомининг 12-банди "е" ва "з" кичик бандларида кўрсатилган мезонлар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

11. Турар жойи буйича туман давлолаш-профилактика муассасасининг врачлик-маслахат комиссияси (ВМК) маълумотномаси ёки ариза берувчининг оила аъзолари орадада сўрункали касаллигининг отир турулига чалинган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида ховлада яшаётга мухтож бўлган шахснинг маъжудлиги ҳолатида – тумандараро (турман) ТМЭЖ маълумотномаси	Низомнинг 12-банди “д” қачмак бандида кўрсатилган мезон	<input type="checkbox"/>
---	---	--------------------------

Хужжатларни қабул қилди:
 Сана: 20 ____ йил “ ____ ” (ИМЗО) (Ф.И.О.)

СЎРВОНОМА-АРИЗА

Отир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини туъликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яқшилатишга мухтож оналарга арзон уйлар берилиш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

Ариза № _____
 Қабул қилиш санаси _____
 Аризани қабул қилган шахс _____

1. _____
 2. Миллати: _____
 3. Туғилган санаси _____
 4. Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) _____
 5. Оқлаган аҳоли кўрсаткичи _____
 6. Асосий фаолият тури (бандлик): _____
 7. Хар обилик даромади миқдори: _____
 8. Оила аъзоларининг умумий сони кўрсатилган ҳолда санаб ўтинг: _____
 9. Қўйлаган шахслар Сизнинг оилангизда яшайдими? Агар яшаса, сонини кўрсатинг: _____
 10. Хозирги вақтда оилангизда яшайдими? Агар яшаса, аъзоларнинг тури келаятиган турар жой майдони: _____ кв.м.
 11. Сизнинг хозирги турар-жойингизнинг ҳужжатли маъноси: _____
 12. Қайси турдаги арзон уй-жойдан олинмоқчисиз? _____
 13. Сизнинг алоқа қилиш учун маълумотларингиз? _____

1. _____
 2. Миллати: _____
 3. Туғилган санаси _____
 4. Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) _____
 5. Оқлаган аҳоли кўрсаткичи _____
 6. Асосий фаолият тури (бандлик): _____
 7. Хар обилик даромади миқдори: _____
 8. Оила аъзоларининг умумий сони кўрсатилган ҳолда санаб ўтинг: _____
 9. Қўйлаган шахслар Сизнинг оилангизда яшайдими? Агар яшаса, сонини кўрсатинг: _____
 10. Хозирги вақтда оилангизда яшайдими? Агар яшаса, аъзоларнинг тури келаятиган турар жой майдони: _____ кв.м.
 11. Сизнинг хозирги турар-жойингизнинг ҳужжатли маъноси: _____
 12. Қайси турдаги арзон уй-жойдан олинмоқчисиз? _____
 13. Сизнинг алоқа қилиш учун маълумотларингиз? _____

1. _____
 2. Миллати: _____
 3. Туғилган санаси _____
 4. Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) _____
 5. Оқлаган аҳоли кўрсаткичи _____
 6. Асосий фаолият тури (бандлик): _____
 7. Хар обилик даромади миқдори: _____
 8. Оила аъзоларининг умумий сони кўрсатилган ҳолда санаб ўтинг: _____
 9. Қўйлаган шахслар Сизнинг оилангизда яшайдими? Агар яшаса, сонини кўрсатинг: _____
 10. Хозирги вақтда оилангизда яшайдими? Агар яшаса, аъзоларнинг тури келаятиган турар жой майдони: _____ кв.м.
 11. Сизнинг хозирги турар-жойингизнинг ҳужжатли маъноси: _____
 12. Қайси турдаги арзон уй-жойдан олинмоқчисиз? _____
 13. Сизнинг алоқа қилиш учун маълумотларингиз? _____

1. _____
 2. Миллати: _____
 3. Туғилган санаси _____
 4. Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) _____
 5. Оқлаган аҳоли кўрсаткичи _____
 6. Асосий фаолият тури (бандлик): _____
 7. Хар обилик даромади миқдори: _____
 8. Оила аъзоларининг умумий сони кўрсатилган ҳолда санаб ўтинг: _____
 9. Қўйлаган шахслар Сизнинг оилангизда яшайдими? Агар яшаса, сонини кўрсатинг: _____
 10. Хозирги вақтда оилангизда яшайдими? Агар яшаса, аъзоларнинг тури келаятиган турар жой майдони: _____ кв.м.
 11. Сизнинг хозирги турар-жойингизнинг ҳужжатли маъноси: _____
 12. Қайси турдаги арзон уй-жойдан олинмоқчисиз? _____
 13. Сизнинг алоқа қилиш учун маълумотларингиз? _____

1. _____
 2. Миллати: _____
 3. Туғилган санаси _____
 4. Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) _____
 5. Оқлаган аҳоли кўрсаткичи _____
 6. Асосий фаолият тури (бандлик): _____
 7. Хар обилик даромади миқдори: _____
 8. Оила аъзоларининг умумий сони кўрсатилган ҳолда санаб ўтинг: _____
 9. Қўйлаган шахслар Сизнинг оилангизда яшайдими? Агар яшаса, сонини кўрсатинг: _____
 10. Хозирги вақтда оилангизда яшайдими? Агар яшаса, аъзоларнинг тури келаятиган турар жой майдони: _____ кв.м.
 11. Сизнинг хозирги турар-жойингизнинг ҳужжатли маъноси: _____
 12. Қайси турдаги арзон уй-жойдан олинмоқчисиз? _____
 13. Сизнинг алоқа қилиш учун маълумотларингиз? _____

Мен 2017-2021 йилларда кишлоққа/пахарда арзон уй-жойлар қўриш дастури доирасида уй-жой олишдан манфаатдорлигини билдираман ва хоҳарда кўрсатилган маълумотларнинг хақиқийлигини тасдиқлаётман. Паспорт ва ижтимоий нестолларга мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатлар нусхаларни қўйиб қолдирдим.

_____ йил _____ ой _____ кун

Оғир ижтимоий вазиятта тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини туликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уйлар бериш тартиби тўғрисидаги низомига 5-илова

Оғир ногиронликка олиб келувчи касалликлар РЎИХАТИ

1. Перебрадг фалаж ва бошқа фалажли синдромлар (кўл-оёқларнинг узок вақт фалажлиги ёки чуқур парезлари, тургун иккиламчи таркок атегоз типдаги гипержинезлар, хореоатетоз, координациянинг яққол бузилиши).
2. Ташхиси тасдиқланган насл-генетик ва дегенератив касалликлар (стабил ва зураовчи турлари).
3. Келиб чиқishi хар хил бўлган аксий заифликнинг чуқур ва оғир тури.
4. 6 ой давом этадиган (сурункали) оғир шизофрения ва бошқа рухий бузилишлар ва хулк-аъвор бузилишлари.
5. Менингоэнцефалитнинг (энцефалитнинг) 2 йил ва ундан ортик доимий равишда даволашга карамай тикланмаган (чуқур парез, плегия, парапарез, параличсия, трипарез, триплегия, темиплетия, темипарез, тетрапарез, тетраплегия, афазия, дизартрия, парциал ва генераллашган эпилептик хужжи, рухий, аксий заифликнинг ўрта, чуқур ва оғир холатлари) тургун асоратлари.
6. Кўзнинг кўрлиги (0 дан 0,02 гача камраб олинган).
7. Тўтма ва орттирилган тусдаги бронх-ўлика касалликларда II-III даражали тургун нафас етишмовчилиги. Астмаинг тармонга болтик тури.
8. Сил касаллиги сурункали кечishi (ўтқа, суяк ва бугимлар силги, сийдик-таносил органлари силги, сил менингоэнцефалитлари асоратлари билан ва бошқалар).
9. Сурункали буйрак етишмовчилигининг III-босқичи.
10. Диабетик нефроосклероз.
11. Инкурабел ёмон сифатли ўсмаларнинг оғир шакли.
12. Тузатиб бўлмайдиган доимий нажас ва сийдикни тутволмаслик, йўғол, тўри ичак ва орқа чикарув тепилгининг тўтма ва орттирилган окмалари, сийдик таносил аъзолари окмалари.
13. Суяк-мушак система ва бириктирувчи тўқима касалликларида яққол қайта тикланмайдиган функционал бузилишлари:
 - а) бир ёки иккисла оёк ва кўшларда тўтма ва орттирилган оғир даражадаги деформациялар;

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлига бўлган, кам таъминланган, фарзандларини туликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шартини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уйлар бериш тартибини тўғрисидаги низомига
6-илова

Арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий устуворлигини белгилашнинг ИЖТМОИЙ МЕЗОНИЛАРИ

Т/р	Омишлар	Эшил	Тасдиқ		
1.	Арзиза берувчи оиласининг бир аъзосига тўғри келадиган жами ҳар ойлик даромад (энг кам ойлик иш ҳақида ҳисобланган - ЭЖОИХ)	10	Иш жойидан маълумотнома ёки солиқ декларацияси		
	ЭЖОИХнинг 1,5 бараваридан кам	5			
	ЭЖОИХнинг 1,5дан 2,5 бараваригача	3			
	ЭЖОИХнинг 2,5дан 3 бараваригача	0			
	ЭЖОИХнинг 3 бараваридан кўп	0			
2.	Арзиза берувчи яшайдиган уй ҳужалигида бир кишига тўғри келадиган турар жойнинг умумий майдони	10	Қадастр ширининг нусخаси ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Талаботларни танылаш бўйича комиссиянинг даволатнома асосидаги текширув натижалари		
	16 кв.метрдан кам	6			
	16 - 20 кв.метр	2			
3.	Арзиза берувчи биринчи гуруҳ ёлғиз ногирон аёл	10	Туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси ва туман (шаҳар) тибобет бirlашмаси хулосалари		
4.	Кам таъминланган оилада ёлғиз ўзи воқита етмаган фарзандларни тарбия қилдиган аёл	10	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хулосалари		
				Оилада қуйидаги шакллар маъжмулиги:	
5.	биринчи гуруҳ ногирони	10	Паспорт ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Талаботларни танылаш бўйича комиссия баҳолаши		
	сўрувчан касаллигининг оғир турларига чагиндилар	10			
	оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чагинган фарзандлар	10			
	Арзиза берувчи ёлғиз бошқарувчи аёлга вақили ёки оила боши - аёл	10			
6.	Хонинг турар жой макони:	10	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хулосалари		
				Ижара	10
				Эвасининг руҳсати билан тегили турар жой	6
				Тулик ўз мажконида	2
Энг юқори бағли		90			

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлига бўлган, кам таъминланган, фарзандларини туликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шартини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уйлар бериш тартибини тўғрисидаги низомига
7-илова

Арзиза берувчининг уй-жой шартини текшириш ДАЛОЛАТНОМАСИ

20 ____ йил " ____ "

Тумани (шаҳар) ҳузуридаги Талаботларни танылаш бўйича комиссия

қуйидаги таркибда

(Комиссия аъзоларининг Ф.И.О.)

_____ (даҳа, масона) _____ кўчаси, _____ уйи, _____ -корпус, _____

_____ (Ф.И.О.)

_____ кварталда яшайдиган фуқаро _____

турар жой шартини текширувдан ўтказди ва қуйидагиларни аниқлади:

1. _____ уйда эгаллаб турилган турар жойнинг _____ км.м. _____ хоналардан иборат.

_____ умумий майдони _____ км.м. яшаш майдони _____ км.м. _____ хоналардан иборат.

Ҳар бир хонанинг ўлчами _____ км.м. _____ км.м.

_____ км.м. _____ км.м.

_____ -қаватли уйнинг _____ -қаватда _____ хоналари.

Уй _____ (ништ, панель, ёғоч, эски, авария холатида)

Хоналар _____ (қуруқ, зах, ёрут, қоронги)

Қағитча _____ (алоҳида, қоммунал)

2. Уй-жойнинг (турар жойнинг) ободонлаштирилиши: _____

(суя таъминоти, канализация, иситиш (марказий, печь, бишан), пардоз берилган, исик суя, ванна, телефон)

3. _____

(Ф.И.О.) _____
(турар жойни ижаратя олувчи, уй эгаси (керакисининг тгли чзасини))

4. Ушбу турар жой майдоннда ишовчилар:

Т/р	Ф.И.О.	Тутилган санаси	Кариношлик муносабатлари	Бандлиги (фаолият тури)	Ногиранлик гуруҳи / Сурункали касалигининг даражаси
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					

5. Оила молдий хопатининг даражаси (паст, урта, юкори) ва бундай бахоланишнинг сабаблари: _____

6. Турар жойнинг яшаш учун яраксизлиги сабаблари: _____

7. Комиссиянинг хулосаси: _____

Комиссия аъзоларининг имзолари:

1. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (лавозими)

2. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (лавозими)

3. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (лавозими)

4. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (лавозими)

5. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (лавозими)

6. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (лавозими)

7. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (лавозими)

8. _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (лавозими)

Ариза берувчи: _____ (имзо)

(Ф.И.О.) _____

20__ йил " __ "



Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шартини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уйлар бериш тартиби тўғрисидаги низомага
8-илова

“Қишлоқ қурилиш инвест” / “Ўзшаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компанияси ва иштирок этувчи тижорат банкининг филиалларига тақдим этиш учун оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг уй-жой шартларини яхшилашга эҳтиёжи мавжудлиги тўғрисида _____ тумани (шаҳар) ҳокимлиги ҳузурдаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссиянинг
ЎЗМА ТАВСИЯСИ

№ _____

Дастур доирасида арзон уй-жой қуриш учун “Қишлоқ қурилиш инвест” / “Ўзшаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компанияси филиали билан дастлабки шартномани тузиш ва иштирок этувчи тижорат банкининг филиалида ипотeka кредити олиш учун

(доимий яшаш жойининг манзили кўрсатилади)

Манзилида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси (талабгор)

га

(Ф.И.О.)

берилди.

Ушбу тавсия _____ туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузурдаги Талабгорларни танлаш бўйича комиссия томонидан тузилган 20 ____ йил “ ____ ” _____ даги _____-сон Ариза берувчида уй-жой шартларини яхшилашга эҳтиёж амалда мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида уй-жой шартларини текшириш далолатномасига мувофиқ берилди.

Бунда,

(талабгорнинг Ф.И.О.)

Қуйидаги ижтимоий мезонларга мувофиқлиги инобатга олинган:

- 1) _____;
- 2) _____;
- 3) _____;

(Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шартини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уйлар бериш тартиби тўғрисида низоمنىң 12-бандида назарда тутилган ижтимоий мезонлар кўрсатилади)

Ушбу ўзма тавсия Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-26394-сон (ёки “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ-3350-сон) қарорига ва Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шартини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уйлар бериш тартиби тўғрисидаги низомага мувофиқ берилди.

Комиссия раиси

(имзо / муҳр)

(Ф.И.О)

Комиссия котиби

(имзо / муҳр)

(Ф.И.О)

20 ____ йил “ ____ ” _____

(берилган сана)